

# ЎЗБЕК АЖБОРОТНО МАҒИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 44 (1119), 2017 йил 31 октябрь

## Марказий банк ахбороти

### Қайта молиялаш ставкаси ўзгартиришсиз қолдирилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ўзининг навбатдаги йиғилишида қайта молиялаш ставкасини йиллик 14 фоиз миқдорда қолдириш бўйича қарор қабул қилди.

Мазкур қарор қуйидагилардан келиб чиқиб қабул қилинди.

#### I. Макроиктисодий ҳолат

2017 йилнинг ўтган даври мобайнида республикадаги макроиктисодий ҳолат иқтисодий ислохотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтилиши, иқтисодиётни либераллаштириш, ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ижросининг фаоллашуви шароитларида шаклланиб борди.

Хусусан, мамлакат иқтисодиётини диверсификация қилиш, янги иқтисодий ва индустриал зоналарни ташкил этиш, инвестицион муҳитни тубдан яхшилаш ва бу борада рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни кенг қўллаш орқали тармоқ ва ҳудудларга ҳорийнинг сармояларни жалб этиш бўйича ишларнинг жаддаллашуви тадбиркорлик соҳасида ижобий кутилмаларни шакллантирди.

Шунингдек, ташки савдо фаолиятининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши ҳамда миллий валюта реал алмашув курсининг рағбатлантирувчи динамикага эга бўлиши мамлакатга экспорт орқали кириб келаётган валюта тушумлари ҳажмининг сезиларли ўсишига

олиб келди. Бу, ўз навбатида, реал сектордаги иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватловчи омил вазифасини бажарди.

Жорий йилнинг январь-август ойларида сўм расмий алмашув курсининг юқори суръатларда девальвация қилиниши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ички валюта бозорини либераллаштириш билан боғлиқ кутилмаларнинг кучайиб бориши реал сектордаги иқтисодий ва инвестицион фаолликка турлича таъсир ўтказди.

2017 йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини кредитлашнинг фаоллаштирилиши ҳамда унинг таъсирида пул массасининг тез суръатларда ўсиши инфляция даражасининг ошишига олиб келувчи асосий омиллардан бири бўлди.

Шу билан бирга, инфляция суръатларининг ўтган йилнинг мос ойларига ва прогноз кўрсаткичларга нисбатан юқориқроқ бўлиши ҳамда инфляция босим ва кутилмаларнинг ортиши макроиктисодий ҳолатга, хусусан, инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи хаттарларни кучайтириб борди.

#### II. Пул-кредит сиёсати таҳлили

2017 йилнинг 9 ойи давомида пул-кредит сиёсати юқорида қайд этилган макроиктисодий ҳолат, хусусан, юқори инфляцияни босим шароитларида амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## Уй-жойлар қурилишида намунавий лойиҳалар янгилиниши мумкин

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ва «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан ташкил этилган анжуманда ахборот берилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, келгусида қишлоқларда янгидан барпо этилаётган уй-жойлар лойиҳаси ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос колоритидан келиб чиқиб ишлаб чиқиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори қишлоқ қурилиши соҳасида янги босқични бошлаб берди. Ҳужжат бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, уй олувчининг дастлабки бадалли 15 фоиз қилиб белгиланди. Нархи эса, танланган ер учатқаси асосида ўртача 83 млн. сўмдан 225 млн. сўмгача бўлган суммани ташкил этмоқда. Ушбу арзон уй-жойларга талабдорларни тан-

лаб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни танлаш тизимининг очиқлиги ва ишончлилиги тамойилидан келиб чиқиб амалга оширилмоқда.

Айтиш жоиз, жорий йилнинг 9 ойи давомида ушбу дастурга мувофиқ республикада 9143 та (режа 15 мингта) янги уй-жой қуриб битказилиб, ўз эгаларига топширилди. Мазкур уй-жой массивларида амалга оширилган ташқи коммуникация-муҳандислик ҳамда транспорт тармоқлари қурилиши давлат маблағлари ҳисобига ба-жарилди. Ҳозирда янги массивларда 134 та ижтимоий инфраструктура объектлари бунёдкорлиги фаол давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда барча тижорат банклари Етақчилари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 5106-сонли Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3138-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижроси юзасидан бўлиб ўтди.



Мазкур учрашувда банк тизимида меҳнат қилиб келаётган ёш ходимларни Иттифоқ фаолияти билан яқиндан таништириш, уларнинг тижорат банкларида ташкил этилган бошланғич ташкилотларга аъзо бўлиши масалалари муҳокама этилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши билан банклар ўртасида ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида бир нечта битимлар лойиҳаси қўриб чиқилди.

Бекзод АКРОМОВ.

## ТИФ Миллий банки: янги келишув

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Туркия Эксимбанки билан битим имзолади.

Истанбул шаҳрида ТИФ Миллий банки ҳамда Туркиянинг экспорт-кредит банки «Türk Eximbank» ўртасида қиймати 44 млн. АҚШ долларига тенг заём битими тузилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу келишув Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25 октябрда Туркия Республикасига амалга оширган расмий ташрифи доирасида эришилди. Унда икки давлат раҳбарларининг Қўша баёнотида кўра, савдо, sanoat, банк-молия, инвестиция, туризм, юк ташиниш, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 20 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

### УШБУ СОНДА:

**Банк тизими**  
Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар ҳақида маълумот.  
2-бет.



**ЎЗР МБнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари**  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарор ва низомлари.  
3-8-бетлар.



**Ҳамкорлик**  
Ўзбекистон-БМТ: барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик.  
9-бет.



Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби  
тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2017 йил 29 сентябрь куни  
2933-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви  
2017 йил 26 августдаги 21/8-сонли қарорига  
ИЛОВА

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ

қимматликларни ҳисобга олиш қайдномасида акс  
этирилади.  
Фойдаланишда бўлган КТБ сақланишининг ҳисоби  
ва назорати тизимдан ташқари (журналларда) амал-  
га оширилади.

7-§. Олиниши лозим бўлган ва олдидан  
туланган маблағлар ҳамда мuddати узайтирилган  
харажатлар ҳисоби

122. Ломбард ходимларидан ва бошқа дебитор-  
лардан олиниши лозим бўлган турли хил актив-  
лар ҳисоби 19900 – «Бошқа активларнинг тегишли  
ҳисобварақларида юритилади».

123. Оқиниши лозим бўлган активларни ба-  
ланс ҳисоботида ҳаққоний қийматда акс эттириш  
учун 19911 – «Олиниши лозим бўлган маблағлар  
ҳисобварақлари буйича қўрилиши мумкин бўлган  
зарарларни қоплаш заҳираси (контр-актив)» ҳисоб-  
варақидан фойдаланилади.

124. Ломбард ходимларидан олиниши лозим бўлган  
маблағлар ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар  
мазкур Низоمنىң 15-иловасига мувофиқ шаклдаги  
Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга  
олиш қайдномасида юритилади.

125. Олдидан туланган ва келажакдаги ҳисобот  
даврига тегишли бўлган харажатлар ҳисоби би-  
лан боғлиқ барча операциялар мазкур Низоمنىң  
16-иловасига мувофиқ шаклдаги Бошқа дебиторлик  
қарзларни ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

126. Олдидан туланган ва келажакдаги ҳисобот  
даврига тегишли бўлган харажатлар вақти-вақти  
билан инвентаризация қилиниши ва ҳисобот дав-  
ри давомида амортизация қилиниши (харажатта  
ўтказилгани) лозим.

Активларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон  
Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стан-  
дарти (19-сонли БҲМС) «Инвентарлашни ташкил  
этиш ва ўтказишга» (рўйхат рақами 833, 1999 йил  
2 ноябрь) асосан амалга оширилади.

8-§. Тўланиши лозим бўлган кредитлар ҳисоби

127. Хар бир олинган кредит алоҳида шахсий  
ҳисобварақларда юритилади.  
Кредит шартномасига мувофиқ кредит оlish  
қийдаги бухгалтерия ўтказмаси билан акс этти-  
рилади.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

6-§. Кам баҳоли ва тез эскирувчи  
буюмлар ҳисоби

119. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (бундан  
буён матнда КТБ деб юритилади) – бу ломбард фа-  
олиятида фойдаланиладиган ва қийдаги мезонлар-  
дан бирига жавоб берадиган моддий активлардан:  
хизмат мuddати бир йилдан ошмайдиган;  
хизмат мuddатидан қатъи назар, (сотиб олинган  
вақтга) бир комплект учун қиймати Ўзбекистон Рес-  
публикасида энг кам иш ҳақининг эллик баравари-  
гача белгиланган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йил-  
га КТБ таркибида ҳисобини юритиш учун буюмлар  
қийматининг энг кам миқдорини белгилаш ҳуқуқига  
эга.

КТБга девонхона ва идора буюмлари, почта ҳамда  
хужжат маркалари ва бошқалар кирдади.

КТБ ҳисоби ҳаққоний сотиб олинган қиймати  
бўйича, божхона божлари ва йиғимлари, таъминлов-  
чи ва воситачи ташкилотларга туланган воситачилик  
харажатлари, солиқлар (масалан, қўшилган қиймат  
солиғи) ва КТБни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ  
бўлган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда  
юритилади.

120. КТБ қийматини тўлиқ ёки қисман олдидан  
тулаш қийдаги бухгалтерия ёзуви билан амалга  
оширилади:  
Дебет 19909 – «Товар-моддий қимматликлар учун  
туланган маблағлар»

Кредит 10503 – «Банкларга қўйилган талаб қилиб  
олинганча сақланадиган депозитлар».

КТБга кириш қилинганда:  
Дебет 19921 – «Омбордаги кам баҳоли ва тез эски-  
рувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар»

Кредит 19909 – «Товар-моддий қимматликлар учун  
туланган маблағлар».

Омбордан КТБ фойдаланишга берилиши қийдаги  
бухгалтерия ўтказмаси билан амалга оширилади:  
Дебет 56406 – «Девонхона, офис ва бошқа буюм-  
лар харажатлари»

Кредит 19921 – «Омбордаги кам баҳоли ва тез  
эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар».

121. КТБ ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар  
мазкур Низоمنىң 14-иловасига мувофиқ шаклдаги  
Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа

лаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш сум-  
маси (контр-актив)

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ломбард томони-  
дан ижарага олинган асосий воситалар (би-  
но, иншоот, ер, транспорт ва бошқалар)нинг  
йиғилган эскириш суммаси ва кадрларнинг  
натijasида вужудга келган йиғилган зарарлар  
ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиде:** ижарага олинган  
объектларнинг эскириш суммаси, кадрларнинг  
натijasидаги вужудга келган зарарлар ва қайта  
бахолаш натиijasида киритилган тузатишлар  
акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиде:** ижарага олинган  
объектларнинг ижара мuddати тугаши ёки ижа-  
ра ҳуқуқининг бекор қилиниши билан лизинг бе-  
рувчига қайтарилган ёки ижара мuddати туга-  
ши билан ломбард томонидан сотиб олинган-  
да йиғилган эскириш суммаси, шунингдек, қайта  
бахолаш натиijasида киритилган тузатишлар  
акс эттирилади.

**Тахлилӣ ҳисоб:** хар бир ижарага олинган об-  
ъект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда  
олиб борилади.

16529  
Транспорт воситалари  
**Ҳисобварақнинг таърифи:** ломбард фаоли-  
ятида фойдаланиш учун сотиб олинган транс-  
порт воситалари (автомашина, юк машинала-  
ри ва бошқа харажатланувчи воситалар)нинг  
қиймати ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиде:** транспорт воси-  
таларини уларни сотиб олиш билан боғлиқ  
барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги  
қиймати, актив сифатида қабул қилиш мезонла-  
рига жавоб берадиган кейинги харажатлар, шу-  
нингдек, қайта баҳолаш натиijasида киритилган  
тузатишлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиде:** сотилаётган ва/  
ёки бошқа йул билан ҳисобдан чиқарилаётган  
транспорт воситаларининг қиймати, шунингдек,  
кайта баҳолаш натиijasида киритилган туза-  
тишлар суммаси акс эттирилади.

**Тахлилӣ ҳисоб:** хар бир транспорт восита-  
варақларда олиб борилади.

16531  
Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш  
суммаси (контр-актив)

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ломбард томони-  
дан иш фаолиятида фойдаланиш учун сотиб  
олинган транспорт воситаларининг йиғилган  
эскириш суммаси ва кадрларнинг натиijasи-  
да вужудга келган йиғилган зарарлар ҳисобга  
олинади.

**Ҳисобварақнинг кредитиде:** транспорт воси-  
таларини эскириш суммаси, кадрларнинг  
натijasида вужудга келган зарарлар ва қайта  
бахолаш натиijasида киритилган тузатишлар  
суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиде:** сотилаётган ва/  
ёки бошқа йул билан ҳисобдан чиқарилаётган  
транспорт воситаларининг йиғилган эски-  
риш суммаси, шунингдек, қайта баҳолаш на-  
тиijasида киритилган тузатишлар суммаси  
акс эттирилади.

**Тахлилӣ ҳисоб:** хар бир транспорт воситаси  
бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб  
борилади.

(Давоми келгуси сонда).

**Ҳисобварақнинг дебетиде:** курилган бино ва  
бошқа иншоотларнинг қиймати ва/ёки сотиб  
олинган бино ва бошқа иншоотларнинг уларни  
сотиб олишдаги харажатларни ҳисобга олган  
холдаги қиймати, актив сифатида қабул қилиш  
мезонларига жавоб берадиган кейинги хара-  
жатлар, шунингдек, қайта баҳолаш натиijasида  
киритилган тузатишлар суммаси ҳисоби олиб  
борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиде:** сотилаётган ва/  
ёки бошқа йул билан ҳисобдан чиқарилаётган  
бино ва бошқа иншоотларнинг қиймати, шунинг-  
дек, қайта баҳолаш натиijasида киритилган ту-  
затишлар суммаси акс эттирилади.

**Тахлилӣ ҳисоб:** хар бир бино (иншоот)лар  
бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб  
борилади.

16511  
Ломбардларнинг бинolari ва бошқа иморатла-  
рининг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)  
**Ҳисобварақнинг таърифи:** бино ва бошқа  
иншоотларнинг йиғилган эскириш ва кадр-  
сизланиш натиijasидаги йиғилган зарарлар  
суммаси ҳисобга олинади. Бунда қонунчиликда  
урнатилган меъёр ва эскириши ҳисоблашнинг  
қабул қилинган методларидан келиб чиққан  
ҳолда хар ойда ҳисоблаб борилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиде:** бино ва бошқа ин-  
шоотларнинг эскириш суммаси, кадрларнинг  
натijasидаги вужудга келган зарарлар, қайта  
бахолаш натиijasида киритилган тузатишлар  
акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиде:** сотилаётган ва/ёки  
бошқа йул билан ҳисобдан чиқарилаётган би-  
но ва бошқа иншоотларнинг йиғилган эскириш  
суммаси, шунингдек, қайта баҳолаш натиijasи-  
да киритилган тузатишлар акс эттирилади.

**Тахлилӣ ҳисоб:** хар бир бино (иншоот) бўйича  
алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

16515  
Объектларни ижарага олиш ва уни тақомил-  
лаштириш ҳуқуқи

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ломбард томони-  
дан лизинг (моллиявий ижара)га олинган асо-  
сий воситалар (бино, иншоот, ер, транспорт ва  
бошқаларни ва/ёки операциялар ижара бўйича  
фойдаланилаётган ижара мулкчини тақомил-  
лаштириш харажатлари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиде:** ижарага олин-  
ган объектларнинг ижарага олиш ҳуқуқи би-  
лан боғлиқ барча харажатларни ҳисобга олган  
холдаги қиймати, шунингдек, ижарага олина-  
диган объектларни реконструкция қилиш ва та-  
қомиллаштириш билан боғлиқ қиймат ва қайта  
бахолаш натиijasида киритилган тузатишлар  
акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиде:** ижарага олинган  
асосий воситаларнинг ижара мuddати тугаган  
ёки ижара ҳуқуқи бекор қилинган тахдирда ли-  
зинг берувчига қайтарилган ёки асосий восита-  
ларнинг ижара мuddати тугайдан кейин лом-  
бард томонидан сотиб олинган ва сотилган ва/  
ёки қайта таснифланган ижарага олинган мулк-  
ни тақомиллаштириш билан боғлиқ қиймат ва  
кайта баҳолаш натиijasида киритилган туза-  
тишлар акс эттирилади.

**Тахлилӣ ҳисоб:** хар бир ижарага олинган об-  
ъект бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда  
олиб борилади.

16519  
Объектларни ижарага олиш ва уни тақомил-



- рилган кредитларнинг ҳисоби олиб борилди.  
**Хисобварақнинг дебетида** қайта таснифлан-  
лар, 12401 — «Мижозларга берилган кредит-  
лар», 12405 — «Мижозларга берилган муда-  
тга ўтган кредитлар» ҳисобварақларидан маъ-  
хисобвараққа ўтказилган миқозларга берилган  
шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар сум-  
маси акс эттирилади.  
**Хисобварақнинг кредитида** туланган, 12405 —  
«Мижозларга берилган мuddати ўтган кредит-  
лар» ҳисобварақига кириб қилинган кредитлар  
суммаси акс эттирилади.  
**Тахлиллий ҳисоб** хар бир қарздор бўйича кре-  
дит шартномаларига қараб алоҳида шахсий  
ҳисобварақларда олиб борилди.  
**Хисобварақнинг таърифи:** ломбард томо-  
нидан ундириб олинмаслик эҳтимоли мавжуд  
булган, миқозларга берилган кредитлар бўйича  
кўрилиши мумкин булган зарарларни қоплаш  
захираси ҳисоби олиб борилди.  
**Хисобварақнинг дебетида** туланган, 12405 —  
«Мижозларга берилган мuddати ўтган кредит-  
лар» ҳисобварақига кириб қилинган кредитлар  
суммаси акс эттирилади.  
**Тахлиллий ҳисоб** хар бир қарздор бўйича кре-  
дит шартномаларига қараб алоҳида шахсий  
ҳисобварақларда олиб борилди.  
**Хисобварақнинг кредитида** туланган, 12405 —  
«Мижозларга берилган мuddати ўтган кредит-  
лар» ҳисобварақига кириб қилинган кредитлар  
суммаси акс эттирилади.  
**Тахлиллий ҳисоб** хар бир қарздор бўйича кре-  
дит шартномаларига қараб алоҳида шахсий  
ҳисобварақларда олиб борилди.  
**Хисобварақнинг таърифи:** ломбард томо-  
нидан ундириб олинмаслик эҳтимоли мавжуд  
булган, миқозларга берилган кредитлар бўйича  
кўрилиши мумкин булган зарарларни қоплаш  
захираси ҳисоби олиб борилди.  
**Хисобварақнинг дебетида** захиранинг кама-  
иш суммаси ва/ёки бекор қилинган суммаси  
акс эттирилади.  
**Тахлиллий ҳисоб** хар бир қарздор бўйича кре-  
дит шартномаларига қараб алоҳида шахсий  
ҳисобварақларда олиб борилди.  
**СУД ЖАРАЁНИДАГИ ВА НОТАРИУСНИНГ ИЖРО  
ХАТИ ОЛИНГАН КРЕДИТЛАР**  
15701 Мижозларга берилган суд жараёнидаги  
кредитлар  
**Хисобварақларнинг таърифи:** суд иши  
қўзғатилган кредитлар ҳисоби олиб борилди.  
Хисобварақларнинг дебетида суд жараёнида  
булганлиги сабабли асосий ҳисобварақлардан  
ушбу ҳисобвараққа ўтказилган кредитлар сум-  
маси акс эттирилади.  
**Хисобварақларнинг кредитида** ундириб олин-  
ган ва/ёки 15799 — «Суд жараёнидаги ҳамда но-  
тариуснинг ижро хати олинган кредитлар бўйича  
кўрилиши мумкин булган зарарларни қоплаш  
захираси (контр-актив)» ҳисобварақидagi захи-  
ралар ҳисобидан қопланган кредитлар суммаси  
акс эттирилади.  
**Тахлиллий ҳисоб** хар бир қарздор бўйича кре-  
дит шартномаларига қараб алоҳида шахсий  
ҳисобварақларда олиб борилди.  
Нотариуснинг ижро хати олинган мuddати ўтган  
кредитлар  
**Хисобварақларнинг таърифи:** қонун ҳужжат-  
ларига мувофиқ нотариуснинг ижро хати олин-  
ган мuddати ўтган кредитлар ҳисоби олиб бори-  
лади.  
**Хисобварақларнинг дебетида** нотариуснинг  
ижро хати олинган мuddати ўтган кредитлар  
суммаси акс эттирилади.  
**Хисобварақларнинг кредитида** ундириб олин-  
ган ва/ёки 15799 — «Суд жараёнидаги кредит-  
лар бўйича кўрилиши мумкин булган зарарлар-  
ни қоплаш захираси» ҳисобварақидagi захира-  
лар ҳисобидан қопланган кредитлар суммаси  
акс эттирилади.  
**Тахлиллий ҳисоб** хар бир қарздор бўйича кре-

олувчи ломбардга лизинг объектининг сотиш санаси-  
даги ҳаққоний қийматидан паст нарҳда сотиб олиш  
хукуқи ўрнатилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгал-  
терия бўлимаси орқали амалга оширилади:  
Дебет 221\*\* — Лизинг бўйича мажбуриятлар тегиш-  
ли ҳисобварақ

Кредит 10503 — «Банкларга қўйилган талаб қилиб  
олинунча сақланадиган депозитлар».

143. Лизинг шартномаси унинг амал қилиш мudda-  
тидан олдин тўхталиб лизинг берувчи томонидан  
лизинг объекти шартнома шартларида белгиланган  
тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг объекти-  
ни лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномаси-  
нинг амал қилиш мuddати тўхтаган санадаги ли-  
зинг объектининг қопланмаган қиймати суммасида  
амалга оширилади ва бунда қуйидаги бухгалтерия  
ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 16519 — «Объектларни ижарага олиш ва уни  
такомиллаштириш хукуқи бўйича йиғилган эскириш  
суммаси (контр-актив)»

Кредит 16515 — «Объектларни ижарага олиш ва  
уни такомиллаштириш хукуқи».

144. Лизинг объектини ҳисобдан чиқариш бўйича  
молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг объекти-  
нинг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг туловлари  
жадалга бўйича қолган қарз ўртасидаги фарқ си-  
фатида лизинг объектини ҳисобдан чиқариш билан  
боғлиқ булган харажатлар суммасини ҳисобга олган  
ҳолда аниқланади.

Лизинг объектини ҳисобдан чиқариш бўйича мо-  
лиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланганда, та-  
қозилган қайта баҳолашлардаги лизинг объек-  
ти қийматининг қўлайган суммаси, яъни олдин-  
ги баҳолашлар натижасида 30908 — «Бошлангич  
қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган сум-  
маси» ҳисобварақининг кредит қолдиғи лизинг объек-  
тининг қийми кетишидан кўрилган даромад таркиби-  
га қўшилди ва бир вақтнинг ўзига ушбу ҳисобварақ  
бўйича захира капиталга камайтирилади.  
145. Ломбард томонидан олинган лизинг ҳисоби  
билан боғлиқ барча операциялар маъжбуриятларни  
18-иловасига мувофиқ шаклдаги Маъжбуриятларни  
ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

#### 10-§. Товар-моддий бойликлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳамда бошқа қарздорликлар ҳисоби

146. Олинган товар-моддий бойликлар ва  
кўрсатилган хизматлар ҳамда ходимлар учун  
тўланиши лозим булган маблағлар, таъсисчилар-  
га тўланадиган дивидендлар, операциялар ижара  
ҳамда бошқа кредитдорлар олдидаги мажбуриятлар  
ҳисоби 29800 — «Бошқа мажбуриятлар»нинг тегишли  
ҳисобварақларида олиб борилди.

147. Ушбу ҳисобварақлардаги маблағларни ин-  
вентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси Бух-  
галтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли  
БХМС) «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказишга  
(руҳат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) асосан амал-  
га оширилади.

148. Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ

барча операциялар маъжбуриятларнинг 17-иловаси-  
га мувофиқ шаклдаги Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича  
ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномасида  
юритилади.

149. Бошқа кредиторлик қарздорликлар би-  
лан боғлиқ операциялар ҳисоби маъжбуриятларни  
18-иловасига мувофиқ шаклдаги Маъжбуриятларни  
ҳисобга олиш қайдномасида юритилади.

#### 11-§. Капитал ҳисобварақлари бўйича операциялар ҳисоби

150. Молиявий йилнинг якунида барча даромад  
ва харажатлар ҳисобварақлари қолдиқлари 31206 —  
«Соф фойда (зарар) ҳисобварақига қуйидаги бухгал-  
терия ўтказмалари орқали ёпилиши лозим:

Даромад ҳисобварақларини ёпиш:

Дебет — Даромад ҳисобварақлари (фойда ва зар-  
арлар ҳисобидан)

Кредит 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-  
пассив)».

Харажат ҳисобварақини ёпиш:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»

Кредит — Барча харажат ҳисобварақлари (фойда  
ва зарарлар ҳисобидан).

Сунгур соф фойда (зарар) ҳисобварақидagi қолдиқ  
тақсимланган фойда ҳисобварақига ўтказилади:

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»

Кредит 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-  
пассив)».

151. Тақсимланмаган фойда капиталнинг зар-  
рур ажратмалари ёки захиралар (фондлар) ту-  
затишлари суммасига дебетланади (камаяди) ёки  
кредитланади (қўлаяди). Бошқа ҳолларда тақ-  
симланмаган фойдага олдинги ҳисобот даврига  
тегишли булган фақат катта суммалар бўйича ту-  
затишлар киритилган тақдирдагина ўзгартiriшлар  
киритилиши мумкин.

152. Молиявий ҳисоботларга муҳим таътишлар  
киритиш арифметик хатоликлар, маълумотлардан  
нотўғри фойдаланиш ёки янглишиш, бухгалтерия  
ҳисоби тамойиллари ва қондаларини қўллашда ха-  
толиклар оқибатида юзага келиши мумкин.

153. Ломбард фойдасини таъсисчилар ўртасида  
тақсимлашда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амал-  
га оширилади:

Дебет 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пас-  
сив)» (йиллик дивидендларни ҳисоблашда) ёки

Дебет 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)»  
(оралиқ дивидендларни ҳисоблашда)

Кредит 29807 — «Туланиши лозим булган дивиде-  
ндлар».

154. Ҳисобланган дивидендлар қонунчиликда  
белгиланган тартибда устав фондиди оширишга  
йўналтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси  
амалга оширилади:

Дебет 29807 — «Туланиши лозим булган дивиде-  
ндлар»

Кредит 30301 — «Устав фонди».

155. Ломбарднинг устав фондиди тақсимланмаган  
фойда ҳисобидан ошириш қуйидаги бухгалтерия  
ўтказмаси билан амалга оширилади:



- 53195 Бошқа кредитдорлардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
- 53196 Бошқа кредитдорлардан олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар
- 54401 ЛИЗИНГ БЎЙИЧА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР
- 54400 БОШҚА ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР
- 54902 Бошқа фоизли харажатлар
- 55106 ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР
- 55106 Қўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари
- 55900 БОШҚА ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР
- 55902 Асосий воситаларнинг сотиш ёки диспозиция қилишдан қўрилган зарарлар
- 55906 Бошқа хусусий мулкларни/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан қўрилган зарарлар
- 55995 Бошқа фоизсиз харажатлар
- 56100 ҚЎЙИЛГАН БОШҚА ХАРАЖАТЛАР
- 56102 Ломбард ҳодимлари учун имтиёзлар
- 56110 Тибиий, стоматологик хизматлар ва шифохонада даволанган учун харажатлар
- 56114 Ижтимоий сугурта бўйича бадаллар
- 56122 Бандалар кўмаклашиш давлат жағирмаси ва бошқа жағирмалар учун бадаллар
- 56195 Ломбард ҳодимлари учун қилинган бошқа харажатлар
- 56200 ИЖАРА ВА САҚЛАШ (ГАРЬМИНОТ) ХАРАЖАТЛАРИ
- 56202 Ижара тўлови
- 56210 Электр энергияси ва иситиш тармоқлари харажатлари
- 56214 Таъмирлаш ва таъминот харажатлари
- 56218 Қўриқлаш хизмати харажатлари
- 56300 ХИЗМАТ САГАРИ ВА ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИ
- 56302 Хизмат сағари харажатлари
- 56306 Хизмат сағари вақтидаги кўчлик харажатлар
- 56310 Ломбард мулкни кўчириш билан боғлиқ бўлган (фракт) харажатлар
- 56314 Ёзилги харажатлари
- 56400 МАЪЖУРИЙ ХАРАЖАТЛАР
- 56402 Реклама ва эълон харажатлари
- 56406 Девоҳона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари
- 56410 Почта, телефон, факс бўйича харажатлар
- 56414 Хужжат марказлари учун харажатлар
- 56418 Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар
- 56500 РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ ВА ХАЙРИЯ
- 56502 Репрезентация ва кўнгликчар тadbирлар харажатлари
- 56506 Аъзолик бадаллари
- 56510 Хайр-эхсон ва хайрия харажатлари
- 56600 ЭСКРИШ ХАРАЖАТЛАРИ
- 56602 Ломбарднинг бино ва бошқа иморатларнинг эскириш суммаси
- 56610 Транспорт воситаларининг эскириш суммаси
- 56614 Мебель ва жиҳозларнинг эскириш суммаси
- 56618 Номоддий активларнинг эскириш суммаси
- 56622 Эскириш ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси

**Ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари таърифи**

Ҳисобварақнинг таърифи: йўлдаги нақд пулларнинг ҳисоби юритилади.

Ҳисобварақнинг дебетда банкка жўнатилган нақд пулларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳисобварақнинг кредитда қабул қилувчи банк томонидан уларнинг кассата қабул қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқнома асосида нақд пуллар суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Тахлил ҳисоб қабул қилувчи банк бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**10500 БАНКЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ДЕПОЗИТЛАР ВА БОШҚА МАБЛАГЛАР**

10503 Банкларга қўйилган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар

**Ҳисобварақнинг таърифи:** ломбарднинг

- 10000 АКТИВЛАР
- 10100 КАССАДАГИ НАҚД ПУЛЛАР
- 10101 Кассаддаги пул маблағлари
- Ҳисобварақнинг таърифи: ломбард кассасидagi банкнота ва тангалар қўринишидаги нақд пул маблағларининг ҳисоби юритилади.
- Ҳисобварақнинг дебетда ломбарднинг кассасига келиб тушган пул маблағларининг суммаси акс эттирилади.
- Ҳисобварақнинг кредитда ломбарднинг кассасидан тулган пул маблағлари, шунингдек, хизмат курсатуви банкка топширилган ортинча пул маблағларининг суммаси акс эттирилади.
- Тахлилий ҳисоб алоҳида шахсий ҳисобварақда олиб борилади.
- Йўлдаги нақд пуллар
- 10109

Хужжатни талаб қилган ташкилот вакили имзо чекади. Далолатнома ёки баённомада айни қандай хужжат олинаётгани, у қимнинг талабига ва рухсатига кўра олинаётгани аниқ кўрсатилиши керак. Далолатнома ёки баённоманинг иккинчи нусхаси юқорида айtilган вақилга топширилади.

172. Олинган тўлов хужжатининг асл нусхаси ўрнига бош бухгалтер томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек хужжатнинг асл нусхасини олаётган шахс томонидан имзоланган баённоманинг биринчи нусхаси ва хужжат олинганлиги тўғрисидаги талабнома қўйилади. Хужжат олинганлиги тўғрисида бош бухгалтер шу хужжат турган йимгажилднинг муқовасига ёзиб, имзо чекади.

173. Турли саналарга тегишли тўлов хужжатлари бир вақтнинг узида олинган ҳолларда, бу хужжатларнинг барчаси учун битта далолатнома ёки баённома тузилиб, унга шу хужжатлар рўйхати киритилганлиги белгилайди.

**Ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллаш ҚОНДАЛАРИ**

Мазкур Қондалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунлари мувофиқ ломбардларда бухгалтерия ҳисоби операцияларини ҳисобварақларда акс эттириш қондаларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Қондаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ломбардлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси (бундан бунда Хисобварақлар режаси деб юритилади) — ломбардлар томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган мазкур Қондаларнинг 1-илова-сида берилган ҳисобварақлар рўйхати;

бош китоб — иккиқўлама ёзув усулига мувофиқ юритилган Хисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлар рўйхати;

ёрдамчи китоб — бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек, алоҳида маблаглар тури ва қимматликлар бўйича юритилган журналлар, қайдномалар, китоблар ва тасдиқланган бланкалар;

миқоз ҳисобварақлари — ломбард томонидан миқозлар ажратилган кредитлар, улар бўйича ҳисобланган фоизлар ва неустойка ҳисобини юритиш учун очилган ҳисобварақлар;

хўжалик операциялари ҳисобварақлари — ломбардларнинг хўжалик фаолияти бўйича операциялар ҳисобини юритиш учун очилган ҳисобварақлар.

Банклардаги депозит, касса, асосий воситалар, даромад ва харажатлар ва бошқа хўжалик фаолияти билан боғлиқ операциялар ҳисобини юритиш учун очилган ҳисобварақлар хўжалик операциялари ҳисобварақлари ҳисобланади.

2. Ломбардларнинг бухгалтерия ҳисобида синтез

тилади. Ушбу хужжатларнинг бири ўрнига унинг нусхаси, хужжатни олиш тўғрисидаги талабнома, далолатнома ёки баённоманинг биринчи нусхаси қўйилади, бошқаларининг ўрнига эса шу хужжатлар нусхалари қўйилиб, уларда хужжатни олиш тўғрисидаги талабнома қандайдиган вақилга топширилади.

174. Электрон база маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлиги ва тўри архивлангани учун ломбард раҳбари, бош бухгалтери ва архивлашни амалга оширадиган масъул ходим шахсан жавобгар ҳисобланади.

175. Ломбардда бухгалтерия ҳисоби электрон база маълумотлари ҳар кун архивланиб, ташқи сақловчи қурилмага ёзиб борилади ҳамда масъул шахс жавобгарлиги остида сейфда сақланади.

176. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидаги маълумотлар ва электрон база маълумотлари ўзаро мос бўлиши керак.

Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

тиқ ҳисобни юритиш учун алоҳида бош китоб, аналитик ҳисобни юритиш учун эса ёрдамчи китоблар очилади. Бош китобларнинг тегишли баланс ҳисобварақларидаги суммалар ёрдамчи китоблардаги суммалар йиғиндисига мос келиши керак.

3. Ломбардлар томонидан Хисобварақлар режаси юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб қайта ташкил этилгунга ёки тузилгунга қадар узуқлиқда равишда юритилади.

**2-боб. Хисобварақларни қондалаштириш**

4. Хисобварақлар қуйидаги мақсадлар учун қондалаштирилади:

ҳисобварақларнинг бош ва ёрдамчи китобларда жойлашганини аниқлаштириш;

ҳисобварақларнинг бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;

ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштириш;

операцияларни қайд этишни тезлаштириш.

5. Хисобварақларнинг бош китобда қондалаштириш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборат:

	C	MM	SS
C	Хисобварақ Туркуми (категорияси):		
1.	Актив		
2.	Мажбуриятлар		
3.	Капитал		
4.	Даромадлар		
5.	Харажатлар		
9.	Қўзда тутилмаган ҳолатлар		
MM	Хисобварақ Туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)		
SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)		





## XIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якунланди

Бу йилги ярмаркада Ўзбекистон ўзининг пахта сотиш сиёсатида янги стратегияни қўлади. Хусусан, экспонатларнинг салмоқли қисми тўқимачилик ва енгил sanoat қорхоналари маҳсулотларидан иборат бўлди.

Бу мамлакатимизда юқори қўшимча қийматга эга бўлган «п-кавала», мато ва тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш бўйича амалга оширилган изчил чора-тадбирлардан далолатдир.

Президентимизнинг 2016 йил 21 декабрдаги «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoatини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори экспортбop маҳсулотлар тайёрлаш ва уларнинг ҳажмини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Унга кўра, умумий қиймати 2 млрд. 200 млн. АҚШ долларилек 130 дан ортиқ инвестициявий лойиҳани амалга ошириш белгиланган.




Форум доирасида қатор тақдиротлар ҳам ўтказилди. Улардан бири – «Ўзбекнгилсаноат» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Қасаба уюшмалари федерацияси, Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки ҳамкорлигидаги барқарор пахтачиликни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳанинг натижаларига бағишланди. Лойиҳа дастлабки етти ойда фермер хўжаликларидан пахтани

барқарор равишда етиштириш стандарт тизимини жорий этиш учун синов режимда жорий этилди. Қишлоқ хўжалиги технологиялари диагностикаси амалга оширилди. Пахтачилик самардорлигини ошириш ва механизациялашни жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ярмаркада «Ўзбекнгилсаноат» АЖ қошидаги дизайн маркази модалар кўргазмасини ўтказди. Унда «Ўзтекс», «Само», «Идеал», «Бонита», «Барчиной», «Чуст текс», «Контекс» қорхоналари, «Анор Ателье», «Гигу», «Сабина Назар» каби дизайнерлар гуруҳлари ўз тўпламларини намойиш этди.

XIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмарка-



си мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини яна бир бор намойиш этди. Жаҳон пахта ва тўқимачилик бизнесининг муҳим воқеаларидан бири бўлган мазкур аънанавий ярмарка Ўзбекистон билан ишончли, узок муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЎЗА материали асосида.

Бу ишларнинг самарали кечишида Президентимизнинг жорий йил 10 январдаги «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги томонидан ташкил этилган анжуман тизимда амалга оширилаётган ишлар, автотранспорт соҳасида тадбиркорларга яратилаётган қўлайликлар ҳамда интерактив хизматларга бағишланди.

Унда янги йўналишларни ташкил этиш ва кенгайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилаётгани, йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш мадания-

## Асосий мақсад – халқ розилиги

Бугун мамлакатимиз бўйлаб минглаб жамоат транспортлари аҳолининг узоғини яқин қилмоқда. Ҳатто узок худудларни марказлар билан боғлаш учун бир қатор янги йўналишлар жорий этилаётир.

ти ва сифатини ошириш, соҳада истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг 20 октябрь ҳолатига кўра, республика бўйича 80 та ташувчи томонидан 440 та «Исузу» русумли автобус аҳоли хизматида қўйилди, 81 та йўналиш бўйича йўл чизмаси, қатнов жадвали ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқилди, 57 янги автобус йўналиши қатнови йўлга қўйилди.

Автобус ва микроавтобусларда йўловчилар ташишни амалга ошириш-

## Ўзбекистон-БМТ: барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик

Халқаро пресс-клубда Ўзбекистон билан БМТ ўртасида Бирлашган миллатлар ташкилоти ташкил топган кунга бағишланган барқарор ривожланиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 1992 йилдан бошлаб БМТнинг Ўзбекистонга кўрсатган молиявий кўмағи қарийб 471 млн. АҚШ долларига тенг бўлганлиги маълум қилинди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил топган кун бутун дунёда 1948 йилдан буён нишонланади. Жорий йил айна пайтда Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлганлигининг 25 йиллиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Бирлашган миллатлар ташкилоти ва БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили Хелена Фрейзер Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўмаклашиш борасида тўхталиб ўтди.

БМТнинг Ўзбекистондаги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида шунингдек, қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНИСЕФ, ЖСТ, ЮНФПА ва БМТ ГЖБларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳам сўз юритдилар.

Махсус сессияда инклюзив иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ислохотлар дастурини амалга

оширишда БМТнинг Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни ҳимоялаш, самарали бошқарув ва қонун устуворлиги масалаларида олиб бораётган тизимли фаолияти қайд этилди.

– БМТ фалсафаси иқтисодий ривожланиш ижтимоий ҳимояни такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ушбу жараёнларга жалб этиш билан баравар давом этиши лозимлигига қаратилган, – дейди **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили Хелена Фрейзер**. – Бу сиёсат Ўзбекистон ҳукумати учун энг устувор масаладир. Шу боис БМТнинг Ўзбекистондаги тизими мамлакатнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларига эришишда кўмаклашишга қаратилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекис-

тондаги БМТ тузилмаларига қуйидагилар кирди: БМТ Тараққиёт дастури (БМТРД), БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА), БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ), БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноatchилик бўйича бошқармаси (БМТ ГЖБ), БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича ҳудудий бошқармаси (МОПДХБ), Халқаро меҳнат ташкилоти (ҲМТ), БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ҲАО), Миграция бўйича халқаро ташкилот (МХТ) ва БМТ Кўнгилчилилари дастури (БМТК).

Мазкур халқаро ташкилотнинг мустақил ихтисослаштирилган агентлиги бўлган Жаҳон банки ҳам мамлакатда БМТ фаолиятига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Эъзоз КАМолова.

ликasi Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан автомобиль транспортда лицензиялаш тартиби соддалаштирилди, – дейди **агентликнинг лицензиялаш бўлими бошлиғи Абдор Исаев**. – Жумладан, тадбиркорлик субъектларига шаҳарлараро юк ва йўловчи ташиш учун лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилиш ва лицензия варақаларини тақдим этиш агентликнинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади. Шунингдек, автотранспорт фаолият турининг лицензияландиган учта қисми қисқартирилди, лицензия варақасини қайта расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди, лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи аввалгига нисбатан камайтирилди.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.

## ОТБ кредит линияси бўйича лизингга техника ОЛИШ ИМКОНЯТИ

Осиё тараққиёт банки томонидан кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистонга ажратилган 100 млн. АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағининг 10 млн. АҚШ доллари миқдоридagi қисми «Uzbek Leasing International» АЖ компанияси томонидан лизинг асосида молиялаштирилиши мақсад қилинган.

«Uzbek Leasing International» АЖ компанияси Осиё тараққиёт банки билан ўзаро эришилган кредит битимига мувофиқ, лизинг амалиётлари асосида кичик бизнес корхоналари фаолиятида энг замонавий ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилиш орқали экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантириш кўзда тутилган. Компания томонидан Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан лизинг хизматларини тақдим этишда муайян шартлар белгиланган.

Хусусан, мақбул лизинг олувчи камида 3 йиллик муваффақиятли фаолият тажрибасига эга бўлган, хусусий секторда фаолият кўрсатувчи барча мулк шаклидаги экспортчи корхона ва устав капиталининг умумий миқдориди

давлат улуши 25 фоиздан кўп бўлмаган корхона бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, корхона Тошкент шаҳридан ташқарида жойлашган бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ. Лизинг чет эл валютасида (АҚШ доллари ёки еврода) молиялаштирилиб, унинг миқдори 10 мингдан 300 миң АҚШ долларигача, муддати эса 5 йил, устама фоизи йиллик 8 фоизни (қолдиқ суммадан ҳисоблаб борилади ва лойиҳа молиялаштирилган валютада қайтарилади) ташкил этади. Гаров таъминоти сифатида лизинг бўйича молиялаштириш суммасининг камида 50 фоизи киритилиши лозим. Ишлаб чиқариш ускуналари фақат ОТБга аъзо давлатлардан харид қилинади ҳамда корхонанинг атроф-муҳитни му-

ҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик талабларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва ОТБнинг ижтимоий ҳимоя қоидаларига мувофиқлиги инобатга олинади.

Лизинг олиш учун бирламчи асосий ҳужжатлар – ариза, корхонанинг таъсис ҳужжатлари, охириги 3 йил учун молиявий ҳисоботлар, етказиб берувчининг ускуна етказиб бериш бўйича тижорат таклифи, чет элдан олиб келинадиган ускуна сифати ва нархи ҳамда тўлов ва етказиб бериш шартлари бўйича тендер варақаси, бизнес-режа ёки лойиҳанинг ТИА, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш аҳдлари тўғрисидаги шартномалар, гаров таъминоти тақдим этилиши талаб этилади.

Бекзод АКРОМОВ.

## «Каско-Комплект мини» – ҳамёнбоп хизмат

«Alskom» акциядорлик жамияти томонидан  
янги сугурта маҳсулоти жорий қилинди

Мамлакатимизда автомобиль ҳайдовчилари сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу юртимиздаги фаровонлик, аҳоли даромадлари ошаётганидан далolatдир. Аммо, йўллардаги тирбандлик ҳамда турли табиий офатларнинг юз бериши туфайли кейинги пайтларда турли салбий ҳолатлар ҳам кўп кузатилмоқда.

Бундай вазиятларда аҳолини ижтимоий ҳимоялашда самарали молиявий механизмлардан бири бўлган сугурта хизматлари киши мушкулени осон қилиши билан катта аҳамият касб этади.

«Alskom» сугурта компанияси миқозлари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб жорий қилинган «Каско-Комплект мини» хизмати аҳоли манфаатларини ҳимояловчи кўп жиҳатларни ўз ичига олган. Унда айни пайтда муассаса амалда бўлган «КАСКО» – автотранспорт воситаларини комплекс сугурталаш хизмати хусусиятлари ҳам қисман сақланиб қолган.

Янги сугурта хизмати бўйича полис нархи анча арзон, амал қилиш муддати ҳам қисқа бўлиб, унинг асосида сугурталанувчи ўз автотранспортини турли таваккалчиликлар – йўл-транспорт ҳодисаси, ёнгин, портлаш, турли жисмларнинг қулаши оқибатида қўрилган зарарни қоплаш мақсадида фойдаланиши кўзда тутилган.

«Каско-Комплект мини» сугурта полиси эвакуатор қақирғи ҳамда зарарни баҳолаш харажатларини ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу хизмат мижозга ўз автомобилни қисман сугурталашни тақлиф этади. Масалан, автомобилнинг фақат кузов қисми (капот, қаноти, эшиги, олд ва орқа бампери, радиатор панжараси)ни сугурта қилганда по-

лис нархи – 15000 сўм, автомобилнинг ойна қисми (олд томонидаги ойнаси, орқа ва эшик ойналари, чироқлари, ташқи ойнаси)ники эса 12000 сўм қилиб белгиланган.

Таъкидлаш жоиз, «Alskom» сугурта компанияси ўз фаолиятини янада ривожлантириш, инфратузилмаси ва хизматлари кўламини кенгайтириш, бошқарув менежменти ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш чора-тадбирларини давом эттирмоқда. Бу борада жамият томонидан муассаса фаолиятининг 9 ойлик якунларини сарҳисоб қилиш мақсадида ташкил этилган йиғилишда алоҳида тўхталинди.

Тадбирда маълум қилинганидек, ҳисобот даврида компания томонидан йиғилган сугурта муқофотлари 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 121 фоизга ўсди, 256 миң донга сугурта шартномаси тузилди, келиб тушган 10 280 га яқин даъво аризаси юзасидан 8 млрд. 47 млн. сўм миқдориди сугурта товонлари тўлаб берилди (бу кўрсаткич солиштирилаётган даврга нисбатан 240 фоизга ўсган).

Ўтган даврда компания қатор вилоятларда 20 та янги бўлинмаси фаолиятини йўлга қўйиб, улар сонини 118 тага етказди. Айни пайтда муассасанинг минтақавий филиаллари сони 15 тани ташкил этади. Айтиш жоиз, ҳисобот даврида ҳудудий филиаллар фаолиятини кучайтириш борасида олиб борилган ишлар натижасида компанияда умумий йиғилган сугурта муқофотлари ҳажмида айнан вилоят бўлинмалари улуши салмоқли (92 фоиз) ўрин эгаллади.

Гулшан ЮСУПОВА.

## Сугурта қопламалари вақтида тўланмоқда

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси 2017 йилнинг 9 ойи давомида жами 6717 та сугурта даъвоси бўйича 11,7 млрд. сўм ҳажмида сугурта қопламалари тўлади.

Уларнинг 67 фоизи юридик шахслар, 33 фоизи эса жисмоний шахслар улушига тўғри келди.

Биргина сентябрь ойининг ўзида 462 та сугурта даъволари ўрганилиб, мижозларга 654 млн. сўм ҳажмида сугурта қопламалари тўлаб берилди. Бунда содир бўлган сугурта ҳодисалари юзасидан берилган даъво аризалари ичида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича мажбурий сугуртаси ҳамда мулк сугуртаси юзасидан келиб тушган муурожаатлар ҳам бўлиб, уларга етказилган зарарлар ўз вақтида қоплаб берилди. Жумладан, Андижон вилоятида ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритувчи корхонага 64 млн. сўм, Қорақалпоғистон Республикасидаги тадбиркорлик субъектига мулк комплекс сугуртаси бўйича 11 млн. сўм сугурта қопламалари тўланди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

## Компания фаолиятидаги муҳим қарор

Президентимизнинг жорий йил 9 октябрдаги «Кафолат сугурта компанияси» акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори мазкур ташкилотнинг янада улкан чўққиларни забт этишига замин ҳозирламоқда.



Бу ҳақда Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил қилинган анжуманда батафсил маълумот берилди.

Унда компаниянинг сугурта бўйича директори Ақром Шаробиддинов куйидагиларни гапириб берди.

– Қарорда аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг сугурта хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш, инновацион салоҳиятини шакллантириш механизмини яратиш, сугурта бозорига рақобатбардошлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўзда тутилган. Шунингдек, эндиликда жамиятнинг асосий эътибори ҳаётни сугурталаш бўйича иxtисослаштирилган компания, ас-систанс компаниясини тузиш, санот корхоналари ва қурилиш объектларини барча таваккалчиликдан сугурталашни таъминлаш мақсадида замонавий талаблар ва сугурта операциялари бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган махсус сугурта маҳсулотларини тақдим этиш, инвестиция лойиҳаларини сугурталашга қаратилади.

Айни дамда қарордан келиб чиққан ҳолда компания бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб олган. Булар биринчи навбатда гаров ва лизинг объектларини зарардан, оловдан ва табиий офатлардан сугурта қилиш, шунингдек, мол-мулк, ускуналар ва йўлдаги товарларни ҳамда тадбиркорлик фаоли-

ятини барча хатарлардан сугурта қилиш орқали тадбиркорлик субъектларига сугурта ҳимоясини тақдим этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Давлат дастури доирасида юридик ва жисмоний шахсларга сугурта ҳимоясини тақдим этиш, мамлакатнинг барча ҳудудларида «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва Ўзбекистон ёшлари иттифоқи билан биргаликда аҳолини кенг қамраб олиш, янги инновацион сугурта маҳсулотларини яратиш орқали сугурта фаолиятини кенгайтиришдан иборатдир.

Қарорда, шунингдек, сугурта хизматлари кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, онлайн режимида электрон сугурта полисларини сотиш механизминини ривожлантириб, виртуал офислар ва сугурта хизматларини кўрсатишнинг янги каналларини яратиш, онлайн тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўлган интернет-дўкандан фойдаланиш орқали сугурта хизматларини интернет тармоғи орқали сотишни оммалаштириш ҳужжатда алоҳида белгилаб берилган. Шу билан бирга, сугурталаш ва қайта сугурталаш соҳасида фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, хизматлар таннариhini камайтириш каби муҳим вазифалар ҳам қарорда акс этган.

Бобур МУҲАММАДИЕВ.



## «PayPal» тўлов тизими фойдаси ортди

2016 йилнинг тўққиз ойи якунидаги ҳолатга кўра, «PayPal» тўлов тизимининг соф фойдаси йиллик ҳисобда 17,4 фоиз ортиб, 1,011 млрд. АКШ долларига етди. Компания томонидан тайёрланган ҳисоботда қайд этилишича, операциявий даромад 7,2 фоиз ўсган ва 1,126 млрд. долларни ташкил этмоқда. Тушум эса 17,5 фоиз кўпайган ва 7,861 млрд. долларга етган.

Жорий йилнинг учинчи чораги якунига кўра, «PayPal» соф фойдаси йиллик ҳисобда 7,3 фоиз ортган ва 323 млн. долларга тенг бўлди. Операциявий даромад 5,5 фоиз ўсган ва 348 млн. долларга етди. Тушум эса 18,1 фоиз кўпайиб, 2,667 млрд. долларни ташкил этди.

«Биз навбатдаги чорақда кузатишган яхши натижа ҳақида эълон қилишдан хурсандмиз. Шу пайтга қадар «PayPal»нинг иқтисодий ўсиши ва бозордаги улуши кенгайиши учун ҳозиргидек имконият мавжуд бўлмаган», — деди «PayPal» президенти ва бош директори Дэн Шульман.

«PayPal»нинг тўртинчи чорақдаги тушуми 2,92-2,99 млрд. доллар атрофида бўлиши тахмин қилинмоқда. Башоратга кўра, ҳар бир қимматли қоғозга тўғри келадиган тақсимланган фойда 0,30-0,32 долларга етиши мумкин.

## ХВФнинг жаҳон иқтисодиёти бўйича башорати

Халқаро валюта фонди (ХВФ) ижрочи директори Кристин Лагарднинг маълум қилишича, жаҳон иқтисодиёти сўнгги ўн йилликда ўзини тиклаб, тобора мустаҳкамланмоқда. Гарвард университетидан сўзга чиққан нотик иқтисодиётнинг янгиланган башорати аввалгиларга нисбатан истикболли бўлиши кутилаётганини маълум қилди. Унинг фикрича, дунё давлатларининг тахминан 75 фоизда ЯИМ кўрсаткичи ортиши мумкин. ХВФ жорий йилнинг июль ойида йил якунига кўра жаҳон иқтисодиёти 3,5 фоиз, 2018 йилда эса 3,6 фоиз ўсишини башорат қилган эди.

Кристин Лагард жаҳон мамлакатларида самарали ислохотлар ўтказишни давом эттиришга даъват қилар экан, бу йўлда тадқиқотлар учун ажратиладиган сармояларни орттириш ва ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш мақсадида таълим ва инклюзив тараққиётга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Жаҳон банки (ЖБ) Президенти Жим Ён Ким ҳам жаҳон иқтисодиёти ва савдоси тобора мустаҳкамланаётганини

қайд этди. Бироқ у инсон капитали борасида инқироз яқинлашиб бораётганига оид огоҳлантириш берди. Ижтимоий ҳимоя қилиш тизими жаҳондаги қашшоқ аҳолининг бор йўғи учдан бир қисмини қамраб олаётганини таъкидлади. ЖБ раҳбари ўз нутқида янги иш ўрни ташкил этилиши учун инсониятга ажратиладиган сармоя миқдорини кўпайтириш, шунингдек, давлатлар ўртасидаги рақобатбардошликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди.

## Жаҳон туризм бозорида Осиё улуши

2020 йилга бориб Осиёнинг жаҳон туризм бозоридаги улуши 28 фоизга етиши мумкин. Бу ҳақда БМТнинг Бутунжаҳон туристик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Толиб Рифайи маълум қилди.

Унинг фикрича, мазкур ҳудуд туризмнинг ўсиш суръати бўйича юқори кўрсаткичга эришмоқда. Яъни бу кўрсаткич дунё бўйлаб учраётган ўртача кўрсаткичга нисбатан 3-4 фоиз зиёд бўлмоқда. Бироқ, шунга қарамай, ҳудуд ҳозирча умумжаҳон бозор миқёсида камида 20 фоизлик улушга эга. Айни пайтда Европанинг бугунги улуши 50-52 фоизни ташкил этмоқда.




## «BMW» ва «GreatWall»: янги қўшма корхона очилиши йўлидаги музокара

Германиядаги автомобиль ишлаб чиқарувчи «BMW» компанияси Хитойнинг «GreatWallMotor» компанияси билан музокаралар ўтказмоқда. Иккала ҳамкорнинг режасига кўра, Хитойнинг Чаншу маъмурий ҳудудда янги қўшма корхона ташкил этилиши мумкин.


Янги заводнинг қад кўтариши «BMW»нинг Хитойдаги иккинчи заводи очилишига сабаб бўлишини аниқлади. Шу пайтга қадар Хитойда «BMW»нинг «Brilliance China Automotive Holdings» номли қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётган эди.

Аммо «BMW»нинг масъул вакили бу янгилликка оид изоҳ бермади, шунчаки компания Хитойдаги «Brilliance» доирасидаги ҳамкорликни давом эттиришини маълум қилди.



## «Brexit»дан сўнг асосий молиявий марказ ўзгариш арафасида

«Brexit» билан боғлиқ юзага келган вазият доирасида Уолл-стритдек йирик компания Франкфуртдаги 38 қаватлик иморат — «Marienturm» минорасининг бир қанча қаватидаги хоналарни ижарага олиш ниятида.



Бу корхонада мингга яқин ишчи фаолият юритади.

«Goldman» сингари йирик молиявий муассасалар учун Лондон молиявий марказ сифатида хизмат қиларди. Буюк Британия пойтахти айрим тармоқ корхоналари учун энг самарали маскан эди. Масалан, бу шаҳарда бир кунда клирингли уйлар атрофида ўрта ҳисобда 1,1 трлн. АКШ долларлик шартномалар тузиларди. Бироқ, Буюк Британия Бош вазири Тереза Мэйнинг «кескин Brexit» борасидаги талабидан сўнг ўнлаб банк ва корхоналар ўз фаолиятини Европа ва АКШга кўчиришга ёки кенгайтиришга киришиб кетди.

Франкфурт кўплаб молиявий муассасалар кўчиш ниятини билдираётган шаҳарлардан бирига айланди. Бу шаҳарни «Morgan Stanley», «Citigroup» ва «Standard Chartered» сингари йирик компаниялар аллақачон танлаб бўлди. «Goldman Sachs International» банки ҳам ўз ходимларини 2018 йилда кўчиришини маълум қилди.

Умуман олганда, Лондон Европанинг асосий «молиявий маскани» сифатидаги ваколатларини расман 2019 йилда яқунлайди, бироқ кўплаб муассасалар аллақачон ўзларига янги савдо майдонини излашга киришиб кетган. Хусусан, «Deutsche Bank» келаси йилдаёқ, яъни Буюк Британия-

нинг савдо иттифоқидан чиқишини кутмасданок, тахминан 4 мингга яқин ходимларини Франкфурт ва Берлинга кўчиришни режалаштирган. Бу эса Германия банкнинг Англиядаги ходимлари ярмига тенг дегани.

Буюк Британияни тарк этаётган миջозлар туфайли Лондон молиявий хизматлар соҳасидаги 30 мингга яқин иш ўрнини йўқотиши мумкин. «Vregeel» тахлилий маркази ахборотиға кўра, «Brexit» сабабли миջозлар Буюк Британиядан 1,8 трлн. евролик (2,2 трлн. АКШ доллари) сармояни олиб кетишади. «Frankfurt Main Finance» молиявий гуруҳи маълумотиға кўра, Лондондан 10 мингга яқин ходимлар Франкфуртга кўчиб кетади.

Франкфурт шаҳрининг афзал жиҳатларидан бири шундаки, бу шаҳарда Европа марказий банкнинг қароргоҳи жойлашган. Июнь ойида ЕМБ бошқарувчилар кенгаши евротизим низомининг 22-моддасига ўзгартириш киритишни таклиф қилди. Яъни ушбу ўзгартириш евротизимга клирингли савдо амалиётларини еврода юритиш тартибини мувофиқлаштиришни назарда тутади. Мазкур янгилек Лондондан кетувчилар сафи кенгайишиға сабаб бўлиши мумкин.

Дублин ҳам банк ва молиявий муассасаларнинг эътиборини қозонган шаҳарлардан бири ҳисобланиб, «Brexit»дан сўнг кўплаб идоралар шу шаҳарга кўчирилиши кутилмоқда. ЕИ билан ҳамкорлик ўрнатган ва молиявий хизматлар кўрсатиб келаяётган 222 та компаниядан 59 таси «Brexit»дан сўнг айрим ходимларини кўчириш ёки янги бўлинмасини ташкил этиш ниятини билдирган. 19 таси эса Дублин ёки Ирландияға кўчириш мамлакатни энг қулай масканга айлантиришини маълум қилган. Иккинчи ўринда Франкфурт шаҳри бўлиб, бу шаҳарни 18 та компания танлаган.

Буюк Британиянинг энг йирик ўрта банкларидан бири ҳисобланиши «Barclays» ҳам ўз амалиётларини Дублинда юритиш ниятини маълум қилди.

## Электрон рақамли имзо калити «Ягона дарча» марказида

Жорий йилнинг 23 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига фақат «ягона дарча» тамойили бўйича ягона марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига қўшимча киритиш тўғрисида»ги 864-сонли қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитини рўйхатга олиш ва сертификат бериш фақат «Ягона дарча» марказларида амалга оширилади. Шу кунгача бу хизмат бевосита давлат солиқ хизмати органлари томонидан тақдим этиб келинаётган эди.

Маълумот учун эслатиш жоизки, ЭРИ давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат органлари ва тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган барча турдаги хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратди.

Жасур МИРЗАЕВ.

## Заргарлик буюмлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхона ишга туширилади

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 17 октябрда қабул қилинган ПК-3334-сонли Қарорга мувофиқ, «Асака» акциядорлик-тижорат банкига ўз фаолиятини 2009 йилда якунлаган ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланилмаётган «1-заргарлик корхонаси» объекти базасида 2018 йилнинг 1 июлига қадар заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушириш вазифаси юклатилди.

«Асака» АТБ ва унинг бошқарувчи компанияси томонидан объект ҳудудида инвестиция лойиҳалари доирасида ташкил этилаётган корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб уч йил мобайнида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, мол-мулк солиғи, ер солиғидан озод қилинади. Қайта ташкил этилган замонавий заргарлик корхонасини банк келгусида янги инвесторларга сотиши белгилаб қўйилган.

Бекзод АКРОМОВ.

Эълон

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

томонидан юридик шахслар учун юқори фоизли, номинал қиймати 100 млн., 500 млн. ва 1,0 млрд. сўмлик, муомала муддати 182 кун, 270 кун, 390 кун, 540 кун ва 720 кун, мос равишда йиллик 11 фоиз, 12 фоиз, 13 фоиз, 13,5 фоиз ва 14 фоиз ставкаларда депозит сертификатлари муомалага чиқарилганлигини маълум қилади.

Мурожаат учун тел.: 202-99-99  
www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

## «Ўзсаноатқурилишбанк»: Темурийлар тарихи музейига саёҳат

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкидаги Етакчилар кенгаши фаоллари Темурийлар тарихи давлат музейи ташкил топган куннинг 21 йиллигига бағишланган ижодий учрашувда иштирок этди.



Тарихчи олимлар, маданият ва санъат арбоблари ҳамда кенг жамоатчилик иштирокида бўлиб ўтган тадбирда банкнинг ёш ходимлари жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган моҳир сийсатчи, савдо-сотик, хунармандчилик ва маданият

ҳомийси бўлган Соҳибқирон Амир Темур шахси, у барпо этган буюк давлатнинг инсоният цивилизациясида тутган ўрни ҳақида турли тақдиротларни тинглаб, батафсил маълумотларга эга бўлдилар.

– Буюк бобокалонимиз

Амир Темур қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлат барпо этгани, унинг бошқарув стратегияси, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлиб келаётгани бизга доим ғурур бағишлайди, – дейди Банк Етакчилари кенгаши раиси Жасурбек Матназаров. – Шу боис биз ушбу маънавий жасорат эгасининг адолатпарварлиги, шижоати ва қатъийлигини ўзимизга сингдириб боришни бурчимиз деб биламиз.

Маълумки, Темурийлар тарихи давлат музейи Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида барпо этилиб, 1996 йилнинг 18 октябрида очилган.

Тадбирдан сўнг, банкнинг ёш ходимлари тарихдан сўзловчи музей экспонатлари бўйлаб саёҳат қилиб, катта таассуротларга эга бўлдилар. **Эъзоз КАМОЛОВА.**

## ОБУНА-2018

### ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2018 ДАВОМ ЭТМОҚДА.

#### Обуначилар диққатига!

- Обунани фақат «Банк ахборотномаси» газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.
- Таҳририят бугунги кунда куйидагилар билан шартнома имзолаган:

#### ТАРКАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

- ▶ «Ўзбекистон почтаси»;
- ▶ «Матбуот тарқатувчи» агентликлари.

#### ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:

- ▶ «Matbuot Service» МЧЖ;
- ▶ «Inform Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Kaleon inform» МЧЖ;
- ▶ «Sayyor Pochta» МЧЖ;
- ▶ «Matbuotchi» МЧЖ;
- ▶ «Global Impax Solutions» МЧЖ.

- Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – [www.banknews.uz](http://www.banknews.uz) дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, таҳририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



**БОЗОРНИ ТўЛАҚОНЛИ ИДРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТИ**

Обуна индекси – 102.

Обуна бўйича мурожаат учун:  
Тел.: (998 71) 232-45-32, 233-45-16.  
Факс: (998 71) 232-43-98.  
E-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz)

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

З.М. ЭРНАЗАРОВА

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятнинг техник  
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

Ўза, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: [info@banknews.uz](mailto:info@banknews.uz),

[www.banknews.uz](http://www.banknews.uz)

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони  
орқали мурожаат қилинг.  
Факс: 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди. Кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта лийшанба кунини чиқади.

Буюртма № 1215.  
Адади 4752 нусха.  
Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табобда чоп этилди.  
Босишга руҳсат этилди: 31.10.2017 й., 14.00.